

Бақара сураси, 114-оят

08:40 / 11.11.2017 6139

Аллоҳнинг масжидларида Унинг исми зикр қилинишини ман этган ва уларни хароб қилишга саъйҳаракат қилган кимсадан кўра золиброқ ким бор? Ана ўшалар уларга фақат қўрққан ҳолларидагина киришлари керак эди! Уларга дунёда шармандалик бордир ва уларга охиратда улкан азоб бордир. Бақара 114.

Ушбу ояти кариманинг таъбирига кўра, дунёда масжидларда Аллоҳнинг исми зикр қилинишини ман этган ва масжидларни бузишга ҳаракат қилган шахслардан золиброқ одам йўқ. Бу улкан ҳақиқатдир.

«Аллоҳнинг масжидларида Унинг исми зикр қилинишини ман этган ва уларни хароб қилишга саъйҳаракат қилган кимсадан кўра золиброқ ким бор?»

Кофир, динсиз бўлишнинг ўзи улкан зулм. Аммо ўзи кофир бўлгани етмагандек, бошқаларни масжидга кириб, ибодат қилишдан ман этиш ундан ҳам катта зулм. Масжидларни бузиш, уларни хароб қилиш зулм устига зулмдир.

Мусулмонлар тарих давомида бундай чексиз зулму ситамларни жуда кўп тортдилар. Энг кейинги даврда худосиз жаллодлар дунёда ҳеч ким қилмаган гуноҳни қилиб, куфр асосида давлат қуриб, динни «афюн» деб эълон қилганлари етмагандек, бутун халқни, етти пуштидан тортиб мусулмон бўлиб келаётган халқни Аллоҳнинг масжидларида ибодат қилишдан тўсдилар. Ибодат қилганлари, Аллоҳнинг Китобини ўрганганлари учун қийнаб, ўлдирдилар, қувғин қилдилар, тўлаб бўлмайдиган солиқлар солдилар.

Мазкур худосиз кофирлар ўн минглаб масжидларни, ояти карима таъбири билан айтганда, «Аллоҳнинг масжидларини» буздилар, хароб қилдилар. «Хароб» сўзи бузишдан кўра умумийроқ маънони беради. Масжидда намоз ўқилмаслиги ҳам унинг хароб бўлганидир. Худосиз кофирлар бузилмай қолган масжидларни шу йўл билан хароб этдилар. Ибодатхоналарни омборларга, турли куфр идораларига, ароқ сотадиган дўконларга, босқинчи кофирларнинг яшаш жойларига, ҳатто чўчқахоналарга айлантирдилар. Самарқанд ва Бухорога ўхшаш қадимий шаҳарлардаги

масжидлар ҳожатхоналарга айлантирилди. Инсоният ўзининг узун тарихида кўпгина қийинчиликларни бошидан ўтказган, аммо бунга ўхшаш ваҳшийликни кўрмаган!

Ўша кофирлар, динсизлар ҳам одам эдилар, улар ҳам Худонинг бандаси эди. Уларнинг ҳам ақли бор эди.

«Ана ўшалар уларга фақат кўрққан ҳолларидагина киришлари керак эди!»

Тафаккур қилиб ўйлашлари, бандаликни бўйинларига олиб, одамларни ибодатдан тўсиш ўрнига ўзлари ҳам уларга қўшилиб ибодат қилишлари лозим эди. Масжидларни бузиб, хароб қилиш ўрнига уларга тавозеъ билан, кўрққан ҳолларида кириб, Аллоҳнинг зикрини қилишлари керак эди. Улар ҳам шу ғояда яратилган эдилар. Ҳа, шундай бўлиши керак эди. Аммо тескариси бўлди, улар ўзлари ибодатга кирмаганлари етмагандек, соф иймонли мўмин-мусулмонларнинг ўз Роббларига ибодат қилишларини ҳам кўра олмадилар. Мўминларни Аллоҳнинг ибодатидан ман этиб, шайтоннинг ибодатига мажбур қилдилар.

Кофирлар мўмин-мусулмонларнинг ўз маблағлари, меҳнатлари, ҳунарлари билан Аллоҳ учун қурган масжидларини бузиб, омборхона, ароқхона, бузуқхона ва бошқа «хона»ларга айлантирдилар. Шундай ишларни қилиб, энди ҳеч нарса бўлмагандай, кетаверадиларми?! Йўқ! Аллоҳ таоло ушбу оятнинг ўзида уларнинг оқибати нима бўлишини айтиб қўйган:

«Уларга дунёда шармандалик бордир ва уларга охиратда улкан азоб бордир».

Улуғ Аллоҳнинг сўзи ростдир. Дарҳақиқат, тарих гувоҳдирки, масжидларни бузганлар, одамларни ибодатдан ман қилганлар бу дунёда ҳам ҳаловат топмаганлар, ниҳоят, хор бўлиб ўлганлар. Ундайларни яқин ўтмишимиздан кишилар номма-ном билишади. Ҳолбуки, бу дунёдаги қийинчиликлар қиёматда тортадиган азоблар олдида ҳеч нарса эмас. Кофирлар доимо қўлларидан келган ёмонликларни қилаверадилар. Улар одамларни масжидларда Аллоҳнинг исмини зикр қилишдан қайтариб, Аллоҳнинг масжидларини хароб этишга ҳаракат қилишади. Аммо шундай жабру зулмга қарамай, мусулмонларнинг Аллоҳга ибодат қилишга имконлари бор.